



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

ЖАМИЯТ

№ 40 (814)
2022 йил
13 октябрь,
Пайшанба



www.bong.uz




@jamiyatgzt@mail.ru



t.me/bonguz1

ПАРЛАМЕНТ ҚАРОРИНИНГ КУЧИ ЙЎҚ...МИ?

**ОЛТИ АСРДАН
БУЁН ЯНГРАЁТГАН
ОШИҚ НОЛАСИ**



ДЕПУТАТИМИЗНИ КЎРМАДИНГИЗМИ?

ёхуд олмазор туманилик отахонлар ҳасрати

Бугун халқимиз давлат идораларидан ўз ҳақ-ҳуқуқининг бажарилишини талаб қилмоқда. Буни тўғри қабул қилган вилоят, шаҳар ҳокимлари халқ ичига кириб, уларгача ўрганилмаган муаммоларини бирин-кетин ҳал қилмоқда. Бу эса давлатимиз раҳбарининг олиб бораётган сиёсатига, чиқараётган қарорларига халқимизнинг ишончи ортишида муҳим омил бўлаётир. Биз ҳам пойтахтнинг бир неча туманларида журналистик сўровларини ўтказиб, одамларнинг истак ва муаммоларини ўргандик.

Олмазор тумани Сағбон кўчасидан юрар эканман, Ҳофиз Кўҳакий масжиди рўпарасидаги шинамгина супадада суҳбатлашиб ўтирган отахонларга кўзим тушди. Улар 80 ёшни қоралаб кўйган. Танишганимиздан сўнг маҳаллада олиб борилаётган ишлар ҳақида сўрадим. Ишлар деганимда, улар муаммолар деб, тушунишди шекилли.

— Айтсам тилим, айтмасам дилим оғрийди, — дейди ўзини Тошпўлат Тўхтаев деб таништирган отахон. — Мустақилликдан сўнг 1000 йиллик

тарихга эга бўлган маҳалламизни иккига бўлишди. Тарихни бўлиб-бўлиб ўқиш, ўрганиш мумкин. Лекин уни ўзгартириб, бўлиб бўлмайди. Илгари биз турган жой Ҳофиз Кўҳакий номи билан юритиларди. Бугунги кунда Кўштут ва Ҳофиз Кўҳакий маҳаллаларга бўлишди.

Олмазор тумани бизнинг маҳалламиздан бошланади. Илгари кўчаларимиз тор бўлишига қарамай, фойзли эди. 40-50 йил ичида кўчаларимиз кенгайди. Икки томонига дарахтлар ўтказилди. Лекин на кўча,

на дарахтларнинг эгаси бор. Айниқса, куз фаслида кўчаларимиз қаровсиз ҳолатга келиб қолади. Ободонлаштириш бўлими ишчиларини ойда 2-3 марта кўриб қоламиз.

— Кўчаларимиздаги тунги ёриткичлар деярли яроқсиз, столбалар ўз муддатини аллақачон ўтаб бўлган, қийшиқ, авария ҳолатида эди. Ёғочдан кўйилган тунги ёриткичлар электр симни эмас, симлар ёғоч устунларни ушлаб турарди, — дея суҳбатга кўшилади Шариф ота. — Депутат Мақсуда Ворисовага мурожаат қилганимиздан сўнг, чирган ёғоч ёриткичлар ўрнига бетон ёриткичлар ўрнатилди. У ҳам охиригача етказилмади. Бир йил кабель йўқ деб баҳона қилишди. Яна бошқа нуфузли ташкилотларга мурожаат қилишга мажбур бўлдик. Бугун янгилари ҳам тўлик ўрнатилмади.

Эски ёғоч тунги ёриткичлари олинмасдан кўчаларимиз “безаги” бўлиб турибди. Балки уларни тарихий ёдгорлик қаторига киргизишдимикан.

Суҳбатимизга Илҳом Каримов кўшилди.

— Сув тармоқларидан фойдаланиш бўлимига келсак. Бизда бу йил гоҳ-гоҳ ичимлик суви ўчирилиб турилди. Сабабини суриштирсак, ҳали у жойда, ҳали юқоридан авария ҳолатлари бўлди, деган жавобларни олдик. Жорий йилнинг август ойлари охирида Ҳофиз Кўҳакий номли МФЙ, 6-берк кўчасида яшовчи Нозим Комилов ер тўласига сув кириб кетаётганлиги тўғрисида Олмазор тумани Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими, сув тармоқларидан фойдаланиш бўлимига ёзма мурожаат қилдик.

(Давоми 7-саҳифада)

Экология

Дарахтларнинг табиат ва инсон ҳаётида қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини барчамиз яхши биламиз. Хусусан, “яшил” олам шаҳар ҳавосини 2-8 даражага салқинроқ сақлайди. Битта дарахт йилига 15 минг литргача сувни тупроқда сақлайди. Дарахтларнинг атроф-муҳитга бераётган фойдаси туфайли мегаполислар ҳар йили 150 миллион долларга яқин маблағни тежайди.

Хазонрезги: МУАММО БОР, ЕЧИМ-ЧИ?

Дарахтлар ҳар доим табиатга, инсониятга фойда келтирган. Сояси жонга, меваси танга дармон. Лекин ҳар бир фаслнинг ўз хусусияти бор. Куз фасли келиши билан дарахтлар ўзининг яшил оламини хазонрезгиликка бўшатиб беради. Айти куз фаслида аҳолини дарахтлардан тўкилаётган барглари йиғиш ташиш ишлари ташвишга солади. Шунингдек, уни ёқиб юбориш ҳолатлари ҳам кузатилади.

Келинг, шу ўринда ёнган хазоннинг нечоғлик зарарли эканини ста-

тистик маълумотлар орқали таҳлил қилиб кўрайлик. Бир тонна хазон ёқилганда, атмосферага 30 кг углевод оксиди ажралиб чиқади. Бундан ташқари, инсон саломатлиги ва атроф-муҳитга зарар етказувчи бошқа моддалар, яъни олтингурут ангидриди, қурум, азот оксиди ва мураккаб таркибли органик бирикмалар — диоксинлар ҳам ташланади. Хазондан чиқаётган тутун атмосфера таркибидаги кислород миқдорини камайтиради. Айниқса, чала ёнган хазон ўзидан заҳарли газ чиқаради.

Мутахассислар фикрича, зарарли моддаларга тўйинган ҳаводан нафас олган кишининг нафас йўллари, кўзи ҳамда марказий асаб тизими шикастланади. Шу билан бирга, организмда ўпка саратони, бронхиал астма каби хавфли касалликлар келиб чиқиши хавфи ортади. Хазонни ёқишдан келиб чиқадиган зарарли тутун, айниқса, болалар, юрак қон-томир нафас олиш йўллари хасталикларига чалинган ҳамда аллергияси бор инсонларга кўпроқ салбий таъсир этади.

(Давоми 3-саҳифада)



Глобаллашув жараёнида энергияга бўлган талабнинг ошиши, углеводород хом-ашёси захираларининг камайиб бораётганлиги, энергия олиш мақсадларида атроф-мухитнинг ифлосланиши кўпгина мамлакатларни янги муқобил энергия манбаларини излаб топишга ва жорий этишга мажбур қилмоқда. Бу борада қайта тикланувчи энергия манбаларидан, хусусан қуёш, шамол, биомасса, сув оқимлари ва геотермал манбалардан фойдаланиш инсоният тараққиёти ва хавсизлиги нуқтаи назардан энергия олишнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.



Мамлакатимиз қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ва соҳани ривожлантириш бўйича катта илмий, иқтисодий салоҳият ва амалий тажрибага, шунингдек қулай табиий иқлим шароитига эга. Президент Шавкат

Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 10 июнь куни қайта тикланувчи энергиядан фойдаланишни кенгайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида, “Бугунги кунда юртимизда 2-3 миллиард киловатт соат электр энергиясига қўшимча талаб бор. Келгуси беш йилда эса бу эҳтиёж 10 миллиард киловатт соатга ошиши кутилмоқда. Бундай вазиятда энг самарали йўл уй, корхона, боғча, мактаб ва шифохоналарда муқобил энергиядан фойдаланишни кўпайтиришдир”, деб таъкидлаб ўтган эди.

Айтиш жоиз, сўнги йилларда мамлакатимизда қайта тикланувчи энергетика соҳасини ривожлантириш борасида тизимли ишлар олиб борилди. Авваломбор, соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилди, Давлат раҳбарининг бир қатор фармон ва қарорлари, давлат дастурлари қабул қилинди. 2019 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни бугунги кунда соҳани тартибга солувчи ягона яхлит ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртимиз тараққиётини белгилаб берувчи тараққиёт Стратегиясида ҳам қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш асосий стратегик вазифа деб белгиланган. Ўзбекистонда 2019-2030 йилларда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш концепцияси бу борада қатор вазифаларни ўз ичига олади.

2021 йилда Нурота туманида умумий қуввати 100 мВт-га тенг қуёш станцияси ҳамда жорий йилда худди шу қувватга эга қуёш станцияси Нуробод туманида барпо этилганлиги ушбу Стратегияда белгилаб берилган вазифаларнинг ижроси намунасидир. Бугунги кунда биргина Нурота қуёш станцияси йилига 260 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқармоқда, бунинг натижасида 80 мингдан ортиқ хонадон электр энергияси билан таъминланмоқда. Шунингдек, йилига 78 миллион куб метр табиий газ тежалаб қолинади. Бу эса республикадаги мавжуд барча аҳоли хонадонларини бир кун давомида табиий газ билан таъминлаш имконини беради.

Бироқ, мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида қулай ташкилий, илмий, иқтисодий ва географик имкониятлар бўла туриб, миллий иқтисодиётнинг энергия сизими юқориликча қолмоқда, қайта тикланувчи энергия манбаларини саноат ишлаб чиқаришига жалб этиш ҳисобига ёқилғи-энергетика балансини диверсификациялаш даражаси жаҳон тенденциясига жавоб бермайди.

Бугунги кунда мамлакатда соҳани ривожлантириш асосан чет эл инвестицияси ҳисобига қайта тикланувчи энергия манбаларининг катта ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш орқали амалга оширилмоқда. Бироқ кўп сонли аҳоли ва тадбиркорлик субъектларида кичик қувватли қурилмаларни жорий этиш ва энергия тежовчи

технологияларни жорий қилиш ишларида сезиларли ўзгаришлар кузатилмади. Шу сабабли мамлакатимизда соҳа ривожини бошқа давлатлар кўрсаткичидан анча паст даражада қолмоқда.

Ривожланган давлатларда, жумладан умумий энергия ишлаб чиқаришнинг деярли 50 фоизини қайта тикланувчи энергетика ташкил этган Германияда соҳани ривожлантиришнинг ягона манбаи — “яшил тариф” тизими ҳисобланган. Ҳозирда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига жорий

ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГЕТИКА: КАТТА ВА КИЧИК ҚУВВАТЛАР УЙҒУНЛИГИ



этилган ушбу тариф тизими дунёнинг 60 дан ортиқ давлатларида мазкур йўналишни ривожлантиришда хизмат қилмоқда.

Бу борада Президентимизнинг 2022 йил 9 сентябрдаги “Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони авваломбор соҳага энергия тежовчи технологияларни, шунингдек аҳоли ва тадбиркорлик субъектларга кичик қувватларда “яшил” энергия ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фармонда қайта тикланувчи энергия манбалар орқали электр ва иссиқлик энергияси билан таъминлаш ҳамда маъмурий-маиший бино ва иншоотларда энергия ресурслардан самарали фойдаланишни рағбатлантириш мақсадида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари белгилаб берилмоқда. Бунда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари харид қилишини молиявий рағбатлантириш, шу жумладан аҳоли массивлари ва хонодонларида муқобил энергия манбаларини қўллаш чораларини қўллаш, микрогидроэлектр станцияларини қуришга доир бизнес лойиҳаларнинг жозибадорлигини ошириш, шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоиз, гарчи қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини харид қилиш ва ўрнатишга дастлаб катта маблағ талаб этсада, улар кейинчалик иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайди. Шу сабабли фармон билан жисмоний шахсларга қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини 3 йил мобайнида фозисиз бўлиб-бўлиб тўлаган ҳолда сотиб олиш имкониятлари берилмоқда. Шунингдек, уларни тўлиқ нарҳда сотиб олган ва ўрнатган фуқароларга харид харажатларининг бир қисми белгиланган тартибда компенсация қилиниши ҳам назарда тутилган.

Ҳуқуқий ҳужжатда ижтимоий таъминот сиёсати, хусусан қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини аҳолининг “темир дафтар”га киритилган эҳтиёжманд оилаларга бюджет маблағлари ҳисобидан ўрнатилиши белгилаб қўйилмоқда. Ва бунда энг асосийси жисмоний ва юридик шахсларга қурилмаларида ишлаб чиқарилган электр энергиясининг ўз эҳтиёжидан ор-

тиқча қисмини давлатга сотиш амалиёти жорий этилмоқда.

Ушбу ҳуқуқий механизм эса ўз навбатида энергия тежамкорлигини таъминлашни, шунингдек электр энергияси ишлаб чиқариш жараёнларида хусусий сектор улушини кўпайтириш имконини яратади, аҳолининг даромадларини ошишига хизмат қилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ишлаб чиқарувчи 50 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари фаолият олиб боради. Фармон билан ушбу тадбиркорлик субъектларига ҳам солиқ ва мол-мулк имтиёзлари берилмоқда.

Шунингдек, Президент ҳужжатидаги топшириқларда ҳудудлардаги 34 мингдан ортиқ объектларда, шу жумладан 619 та “Янги Ўзбекистон” массиви ва 28 мингдан зиёд хонадонларда муқо-

бил энергия манбаларини жорий қилиш назарда тутилган.

Таъкидлаш жоиз, Германия, Финляндия, Норвегия, Швеция, Хитой ва бошқа давлатларда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришда субсидия, кредитлаш институти кенг жорий этилган. Бунда субсидиялар асосан “Қуёш шаҳри”, “Минг қуёш панелли том” каби лойиҳаларни амалга ошириш орқали жорий этилган. Бу эса, ўз навбатида, қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини тарғиб қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этган. Амалдаги қонунчиликка асосан қайта тикланувчи энергия манбаларидан электр энергияси ишлаб чиқарувчилар қатор шартлар асосида ягона электр энергетикаси тизимида уланиш механизми жорий этилган. Ушбу ортиқча талаблар ҳам соҳани кенг ривожлантиришда тўсқинлик қилиб келмоқда.

Фармонда аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва ижтимоий соҳа объектларида, шунингдек, ўз эҳтиёжлари учун ўрнатиладиган кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясини ягона электр тизимида улашнинг техник регламентини такомиллаштириш ҳамда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклифи илгари сурилган.

Бундан ташқари, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича электрон платформани ташкил этилиши ўз навбатида соҳадаги ишларни ваколатли давлат органи томонидан мувофиқлаштириш, соҳада очиқлик ва шаффоликни таъминлаш имконини яратади.

Хулоса қилиб айтганда, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгилаб берилган қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий, тижорат ва маъмурий-маиший бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлигини ошириш дастурлари мамлакатимизда ташқи ва ички таъсирга барқарор миллий энергетика тизимини яратиш имконини яратади.

Ислом ХУШВАҚТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати

Бир вақтлар халқаро экспертлар Марказий Осиёни “иккинчи Болқон” га ўхшатишганди. Яъни минтақанинг ҳал этилмаган чегара ва сув муаммолари уларни уруш домига тортади, деган фаразлар йўқ эмасди. Аммо Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг саъй-ҳаракатлари билан бемаъни қарама-қаршиликнинг олди олинди. Бироқ шу йилнинг сентябрида Тожикистон-Қирғизистон ўртасидаги қонли тўқнашувлар Марказий Осиёни ташқи таҳдид эмас, аввало, ички зиддиятлар жиддий бекарорликка улоқтириши мумкинлигини кўрсатди.

Тўрт кун давом этган бу тўқнашувда 200 га яқин минтақа фуқаролари ўлдирилди. Турли бинолар, аҳоли уй-жойлари ўққа тутилди, вайрон қилинди. Баъзи кузатувчиларга кўра, бу чегаравий тўқнашув эмас, балки кенг миқёсли уруш ҳаракатлари тусини олган. Кузатувчилар сўнгги вазиятни икки мамлакат чегара зиддиятлари тарихидаги энг йирик тўқнашув сифатида баҳолади. Нафақат қурбонлар сони кўплиги, балки тўқнашув давомида ишлатилган оғир қуроллар шундан далолат беради. Айни пайтда чегарадаги тўқнашув, отишма босилган, аммо томонларнинг бир-бирини айблаши давом этапти.

Расмий Душанбе ва Бишкек иккинчи томон тинчлик келишувини бузаётгани, белгиланган ҳудудлардан ҳарбий техника олиб чиқилмагани, этник камситишларга доир баёнотлар қилмоқда. Энг ёмони Марказий Осиёда бошланган ҳамкорлик руҳи ва бу ҳамкорлик истиқболи жиддий хавф, синов билан тўқнашапти. Ҳозирча бу хавфни бартараф этишга уриниш умумий қақириқлардан иборат. Минтақавий ҳамкорлик ташаббуси ортида турган президентлар Мирзиёев, Ғўлаев ҳам зиддиятдаги томонлар билан гаплашди, уларни муросяга чақирди.

Қонли тўқнашувларнинг келиб чиқиши учун ҳар икки томон бир-бирини айбламоқда. Лекин кўпчилик тинч-осуда яшаётган қўшнилари учинчи куч гиж-гижлаган деган фикрда. Бу галги тожик-қирғиз чегарасидаги қуролли можаро 14-сентябрь тонгида, соат 7 дан ўтганда келиб чиққан. Тожик томонига кўра, Тожикистонга қарашли Ворух анклавига яқин «Кех» чегара заставасига Қирғизистоннинг «Булоқбоши» чегара заставаси томонидан ҳеч қандай асосиз ва огоҳлантиришсиз миномётлардан ўт очилган. Қирғиз томони эса аксинча можаро келиб чиқишида тожик томонини айбламоқда. Уларнинг фикрича, тожик чегарачилари ўзлари бўлиши назарда тутилмаган ҳудудга кириб келишган.

Би-Би-Си тайёрлаган лавҳаларнинг бирида одамлар шу пайтгача аҳил яшаб келишганини айтишади. «Биз Исфаранинг энг чекка қишлоқларидан бири - Лакконда яшаймиз. Қишлоғимизнинг бир томони Ўзбекистон, бир томони Қирғизистон. Шу пайтгача қирғиз чегарачилари Ворух, Чоркў томонларга ҳужум қилишарди. Лекин биз қирғиз қўшнилари билан аҳил яшардик. Ўртадаги муносабатлар бузилмасидан олдин ҳамқишлоқларимиз қирғизларнинг ерини ижарага олиб, шоли экишарди, деҳқончилик қилишарди. Аммо 16-сентябрь куни ҳаммаси тескарисига айланди», — дейди лакконлик Нигора Бобохонова. — «Кутилмаганда қирғиз чегарачилари қишлоғимизга ҳужум қилиб, бир нечта уй ёниб кетди. Унга яқин чегарачи бизни химоя қиламан, деб яраланди. Ҳозир биз - аёллар, болалар, қариялар тоғда жон сақлаб ўтирибмиз». Фақат у эмас, барча қирғизлар ва тожиклар аслида ҳеч қандай можаро чиқмаслигини исташади. Исфаранинг Чоркў қишлоғида яшовчи 50 ёшдан ўтган Муҳаммадризо кўзда ёш билан гапирди: — Бир оиладан беш киши, агар ҳали дунёга келмаган болани ҳисобласак, олти киши ҳалок бўлди... Кейинчалик бу воқеа ижтимоий тармоқларда ҳам тарқалди.

Хабарларга кўра, Чоркўдаги уйлардан бирига қирғиз ҳарбийлари отган снаряд келиб тушади. Жабрланганларни «тез ёрдам» да беморхонага олиб бори-

шаётганда қирғиз ҳарбийлари машинага қарата гранатомётдан ўт очишади. Натижада машина бутунлай ёниб кетади. Шифохонага олиб кетилаётган 53 ёшли Мухайёхон Фаёзова, унинг келинлари - 29 ёшли Дилноза Баҳромзода, 25 ёшли Садоқат Ўқтамзода, уларнинг фарзандлари - 6 ёшли Асмоахон Амриддинзода ва 5 ёшли Имрон Илҳомзода ҳалок бўлишади. Келинларнинг бири кўз ёриш арафасида бўлган. Айни бир пайтда тожик ҳарбийларининг қирғиз овулларига бостириб киргани ва Тожикистон байроқларини ўрнатишлари акс этган суратлар ижтимоий тармоқларда

жойлашган барча қишлоқлар аҳолиси уй-жойини ташлаб кетган. Уларнинг маълум қисми қариндошлари, танишларининг уйларида яшашмоқда. Кўпчилик Хўжанд, Гулистон, Бўстон шаҳарлари, Бобожон Ғафуров туманининг чегарадан олисроқ қишлоқларидаги мактабларга, оёйишгоҳларга, ҳатто масжидларга жойлаштирилди. Айни бир пайтда ижтимоий тармоқларда чегарадаги қирғиз қишлоқлари аҳолисининг уй-жойини ташлаб кетаётгани акс этган видеотасвирлар ва суратлар берилди. «Биз кўздек яқин қўшнилари- миз - тожиклар билан аҳил-иноқ яшардик. Бозор-ўчарни Тожикистондан қилардик. Қизим кўричак бўлганда Қистакўздаги касалхонада операция қилишди. Ўзимизнинг касалхоналар оилосида. Шифокорлар сал кечикканимизда, қизимнинг кўричаги ёрилиб кетиши мумкинлигини айтишди», деди Қирғизистондаги Лайлак районининг Арқа овулида яшайдиган аёл. Унинг ай-

10-15 километр наридаги аҳоли манзилларида ҳам зўравонликлар қайталанишидан хавотирлар ариган эмас. Можаро бошланиши ортидан Қирғизистон жануби-ғарбида жойлашган Боткен вилоятидаги қишлоқлардан 140 мингга яқин одам қочишга мажбур бўлди.

Тан олиш керак, Марказий Осиёдаги чегара муаммолари совет даврига бориб тақалади. XX асрнинг бошларида Москва минтақани этник гуруҳлар ўртасида тақсимлашга уринган, аммо муайян миллат вакиллари яшайдиган аҳоли пунктлари кўп ҳолатларда бошқа элатлар учун ажратилган мамлакатларга киритилган.

Сўнгги ўн йил давомида Тожикистоннинг Ворух анклавига яқин ҳудудда этник қирғизлар ва тожиклар ўртасида зўравонлик ҳолатлари кўп қайд этилди. Кейинги пайтда қурол тутган чегара қўшинлари ўртасидаги тўқнашувлар одатий ҳолга айланиб бормоқда. Тортишувлар замирида сув ва ер муаммоси ётади. 19 сентябрь куни дипломатик миссиялар ва матбуот учун ўтказилган брифингга Тожикистон ташқи ишлар вазири ўринбосари Содиқ Имомий халқаро ташкилот ва хорижий донорларни Тожикистон руҳсатисиз Қирғизистонда сув ресурсларини бошқариш бўйича лойиҳаларни йўлга қўймасликка чорлади. Имомий иккита катта мониторда ёритилган хариталарга ишора қилиб, Ворух эксклав, яъни чет мамлакат ўраб турадиган ҳудуд эмаслигини таъкидлади. Расмий Ворухни ўраб турган ҳудудни совет даврида ва мустақилликнинг дастлабки йилларида қирғизлар эгаллаб олинганини даъво қилди. «Жамиятимизда ҳеч қандай ҳолатда қирғизларни душман қилиб қўймаслигимиз керак. Бу мутлақо қабул қилиб бўлмайдиган нарсас. Лекин бизнинг рақибимиз бунинг аксини қиляпти», — дея шикоят қилди Имомий.

Қирғизистонда 19 сентябрь миллий мотам куни деб эълон қилинди. Ўша

ҲАМКОРЛИК РУҲИ



СИНОВЛАРДАН ЎТМОҚДА

тарқалди.

Самарқанддаги Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти саммитида қатнашган Тожикистон ва Қирғизистон Президентлари Эмомали Раҳмон ва Садир Жапаров учрашиб, чегарадаги можарони муҳокама этишди. Улар келишган ҳолда тегишли тизимларга ўт очишни тўхтатиш, куч ва воситаларни бевосита чегарадан олиб кетиш топширигини беришди.

Ўзбекистон ва Тожикистон чегарасидаги «Равот» чегара-назорат масканида Тожикистон ва Қирғизистон миллий хавфсизлик хизматлари раҳбарлари Саймўмин Ятимов ва Қамчибек Ташиев, ҳар икки мамлакат Ташқи ишлар вазирлари, Суғд ва Боткен вилоятлари раҳбарлари музокара ўтказишди. Натижада ҳар икки томон 16-сентябрда, соат 14. 30да ўт очишни тўхтатишга келишган. Можаро сабабларини ўрганиш учун қўшма комиссия ташкил этилди. Икки мамлакат ўртасидаги чегараларни аниқлаш ва белгилаш учун давлатлараро комиссия ишини тезлаштиришга келишилди. Мухими, минтақани оташга отиши мумкин бўлган улкан урушнинг олди олинди.

Тожикистон ва Қирғизистон ўртасидаги чегара 970 километрни ташкил этади. Шундан 519 километри белгиланган, холос. Чегаранинг икки томонидаги қишлоқлар ва овуллар бир-бирига туташиб кетган. Масалан, Тожикистондаги энг йирик қишлоқ саналадиган Хистеварзни Қирғизистоннинг Арқа (Борбордук) овули билан битта йўл ажратиб туради. Хистеварзликларнинг қабристонини Қирғизистон ҳудудида қолиб кетган.

«Мен Овчиқалъачанинг энг чекка қишлоғида яшайман. Чегаранинг нариги томонидан узилган ўқ биз томонга ҳам етиб келди. Даладаги молларга ҳам ўқ тегиб, нобуд бўлди. Энг ёмони масжид ва мактаб ёнида турган канча одамлар ҳалок бўлишди. Ўн саккиз нафар инсоннинг қабрга қўйилгани ҳақида айтишди. Улар орасида уч нафар шифокор ҳам бор», деди Овчиқалъача қишлоғида яшайдиган Хадича Махмудова. Унинг айтишича, қишлоқ аҳолиси уй-жойини ташлаб қочиб кетган.

Фақат Овчиқалъача эмас, чегарада

тишича, пандемия бошланганча овулларига Тожикистоннинг 113-рақамли «маршрутка» си қатнаган ва фақат Қистакўзга эмас, балки Хўжанд ва бошқа тожик шаҳарларига бемалол бориб-келишган. Чегарада жанглари бошлангач, бошқа ҳамқишлоқлари каби бу аёл ҳам оиласини олиб овулидан бош олиб кетган.

«Биз Исфаранинг энг чекка қишлоқларидан бири - Лакконда яшаймиз. Қишлоғимизнинг бир томони Ўзбекистон, бир томони Қирғизистон. Шу пайтгача қирғиз чегарачилари Ворух, Чоркў томонларга ҳужум қилишарди. Лекин биз қирғиз қўшнилари билан аҳил яшардик. Ўртадаги муносабатлар бузилмасидан олдин ҳамқишлоқларимиз қирғизларнинг ерини ижарага олиб, шоли экишарди, деҳқончилик қилишарди. Аммо 16-сентябрь куни ҳаммаси тескарисига айланди».

Айни бир пайтда орадаги можарони тинч йўллар билан ҳал этиш борасида икки томонлама музокаралар давом этмоқда. «Гулистон» чегара-назорат масканида Тожикистон ва Қирғизистон ишчи гуруҳларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Томонлар ўт очишни тўхтатиш шартларига риоя қилиш билан бирга чегарадаги вайронгарчиликлар оқибатини тезроқ бартараф қилиш муҳим дея санашди. Шу билан бирга орадаги йўллар транспорт ҳаракати учун очирилиши таъминлашга келишилди. Тез орада Исфарадан анклавдаги Ворух қишлоғи томон элтадиган йўл очилди.

Ворух йўлидан кейин Хўжанд-Конибодом йўли ҳам очилган. Уй-жойини ташлаб кетган кишилар ўз қишлоқларига қайта бошлаганлар. Аммо уй-жойи ёниб кетганлар, вайрон этилганлар ҳалигача муваққат бошпаналарда туришибди. Фақат улар эмас, қариндошлари, танишлариникида яшаётган юзлаб оилалар уйларида қайтишдан чўчишмоқда. Гарчи тинч ҳаёт изга туша бораётгани айтилаётган бўлса-да, фақат чегарага яқин қишлоқлардагина эмас, балки чегаранинг ҳар икки томонидан

куни 53 га чиққан Жапаров тўлқинланиб халққа мурожаат қилди. Ўз мурожаатида президент можарода қатнашган ҳарбий хизматчиларга миннатдорчилик, ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига эса ҳамдардик изҳор қилди. Шунингдек, президент Боткендаги одамлар учун халқ ёрдам кўрсатаётганини айтиб ўтди. «Ҳар бир эркак ўз миссиясини аниқ билади. Бу оғир кунларда туриб, ўз ватанини душман босқинидан химоя қилишдан иборат», — деди Жапаров. Бир кун аввал Тожикистон Ташқи ишлар вазирлиги Жапаров аввалроқ мамлакатни «душман» деб атаганига эътироз билдирган эди. Душанбе президентнинг бу изоҳини «дўстлик ва яхши қўшничилик руҳига» мос келмаслигини таъкидлади.

Ишончимиз комил, Тожикистон ва Қирғизистон раҳбарияти учинчи томоннинг кутқуларига учмайди. Марказий Осиёда ҳамкорлик руҳи давом этади. Барча яхши англайди: зиддият минтақани фақат ва фақат ташқи кучларга «ем» қилишга хизмат қилади, холос.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ,
шарҳловчи

Бизнинг ҳар биримизга болаликдан қадрдон бўлиб қолган шундай ажойиб бир нарса борки, инсон ақл-заковати билан яратилган бу бебаҳо мўъжиза — китобдир. Унинг садоқатли дўст, дилкаш суҳбатдош, қадрдон ҳамроҳ ва маслаҳатгўй, қўнғилга таскин берадиган, эзгу ва хайрли ишларга чорлайдиган, онгу шууримизга гўзал хислат-фазилатларни, дилбар ҳис-туйғуларни жо этадиган, ўзлимизни теран англашга сидқидилдан камарбаста бўладиган буюк устоз эканлигини унга чин дилдан меҳр қўйган, ўзини ҳақиқий шоғир деб билган кишигина яхши билади.



МАЪНАВИЯТНИНГ ОЛТИН ХАЗИНАСИ

Китоб инсонга оқ билан қорани, яхши билан ёмонни, эзгулик билан ёвузликни фарқлашни ўргатибгина қолмай, инсоният тарихини, ҳаётини, тафаккури-ю, тараққиётини, яратилган олам-олам илм, хунар, тажриба ва кашфиётлардан тортиб, еру-осмон ва табиат сир-синоатларигача мукаммал билишга беминнат хизмат қилади. Китоб бетимсол юксак маънавий кудратга эга бўлиб, у инсонни мустақил фикрлашга, табиат ва жамиятдаги ўзгаришларни, воқеа-ҳодисаларни онгли идрок этишга, тўғри хулоса чиқаришга ўргатиши билан ҳам азиз ва қадрлидир.

Яхши китоб олтин тўла сандиққа ўхшайди. У сизнинг эътиборингизни, ўй-хаёлларингизни оҳанграбдек тортиб туради. Мафтуну махлиё бўлиб, олтин сандиқ ичига кириб олганингизни сезмай, унинг тиллодай товланиб турган мағзи бутун фикрлари, ранг-баранг, хайратли тасвиру тавсифларидан кўз узгингиз келмайди. Улар сизни олам ва одамнинг ажойиб ва ғаройиб гулшанларига чорлайди. Турфа одамлар, турфа ҳодисалар шохиди бўласиз. Бири-биридан қизик афсоналар, ривоятлар-у, хикоятлар тинглайсиз.

Китобларнинг бирида кўхна тарих тилсимлари билан танишсангиз, бирида илм-фан, хунар сир-асрорларидан воқиф бўласиз, бирида ишқ-маҳаббат билан дийдорлашсангиз, бирида оламшумул жумбоқларни кўрасиз. Бири инсонийлик ҳақида фикр юритса, бири дин — диёна-ту меҳр-окибатдан сўзлайди, бири имон, инсоф, адолатга етакласа, бири аҳду-вафо, мардлигу-матонатдан сабоқ беради. Бири фисқу-фасод, риё, зўравонлик, бузғунчилик, фитна, ғаразгўйлик сингари иллатларга нафрат уйғотса, бири гўзаллик, бунёдкорлик, яратишу яшнатиш, элпарварлигу юртпарварликни тараннум этади. Бири жангу-жадални қораласа, бири аҳли оламни тинч-тотув яшашга даъват этади, бонг уради.

Ана шундай буюк куч-кудратга эга бўлган китоб инсонни баркамол қилиб вояга етказишда энг муҳим тарбия воситаларидан бири ҳисобланади. Тажрибадан маълумки, китоб билан дўст тутинган киши оқил, ўз-ақли заковатига таяниб иш кўрадиган, билимли, чуқур мушоҳадали, ғайрат-шижоатли, яратиш ва яшнатиш ишқи билан яшайдиган, фидойи, бир сўз билан айтганда, маънавиятли-ю, маърифатли бўлади.

Афсуски, кейинги йилларда китоб мутолааси катталар билан бир қаторда ёшлар ўртасида ҳам анча сусайди. Бунинг сабаб ва оқибатлари чуқур ўрганилиб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йил 13-сентябрда “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарори қабул қилинган эди. Шубҳасизки, ўтган

давр мобайнида мазкур тарихий ҳужжат ижросини таъминлаш борасида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Айниқса, республикамик микёсида китобхонлик танловларининг мунтазам ўтказилиб келинаётганлиги ёшларимизнинг китоб мутолаасига бўлган муносабатини тубдан ўзгартириб юборди.

Бунинг мустақиллигимиз тенгдоши бўлган Тошкент молия институти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Институт ректори Тўлқин Тешабоев ташаббуси билан барпо этилган ва куни кеча ишга туширилган энг замонавий Ахборот-ресурс маркази бугунги китобхон талаб ва эҳтиёжга тўла жавоб берадиган имкониятларга эга эканлиги билан кишини ҳайратга солмай қолмайди.

**Хавас қилса арзийдиган
техник воситалар билан
жиҳозланган кенг ва ёруғ
залларни томоша қилиб
тўймайсиз. Ростини айтганда,
бениҳоя хашамдор ва чиройли
бўлган бу қутлуғ масканга
қадам ранжида қилган одам
мутолаага илҳомлантирадиган
шарт-шароитларга ошуфта
бўлганча ич-ичидан севиниб,
мана бунинг кутубхона деса
бўлади дейиши аниқ.**

Нурга йўғрилган заллардан бирида талабалар бадиий адабиёт ўқиётган бўлсалар, бирида интернет тармоғига уланган 70 дан ортиқ компьютер хизматидан фойдаланишмоқда. Яна бирида 2036 номдаги 193725 нусха дарслик, 3721 номдаги 357433 нусха ўқув қўлланмалари мана-ман деб турибди. Қирк саккиз номдаги газета ва журналлар ҳамда кўп минг сонли хорижий адабиётлар заллари алоҳида-алоҳида. Сизни табасум билан кутиб оладиган кутубхоначи опа-сингилларимизни айтмайсизми? Ҳаммасининг устида ўзларига жуда-жуда ярашиб турган бир хил бежирим коржомо. Худди улкан ҳаво лайнери ичидаги стюардессаларга ўхшайдилар. Уларнинг хушмуомалалигию ҳозиржавоблик билан хизмат кўрсатишларидан дилингиз яйрайди. Профессор-ўқитувчилар ва талабалар даврасида янги нашрлар тақдимотини ўтказиш ва кенг тарғиб қилиш, у ёки бу асарнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида мунозаралар уюштириш, шоир ва ёзувчиларни ижодий учрашувларга таклиф этиш сингари маънавий-маърифий тадбирлар китобхонликни тарғиб қилиш самарадорлигини

оширишда ва китобсеварлар сонини кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда институт кутубхонасида 18369 номда 689732 нусха китоб мавжуб бўлиб, унинг 6129 номдаги 74151 нусхаси илмий, 1364 номдаги 9726 нусхаси бадиий адабиётлардир. Булар доимий равишда тўлдириб борилмоқда. Институт маънавият ва маърифат бўлими билан ҳамкорликда янги адабиётларнинг тақдимотини ўтказиш талабаларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқиши-ю, фаоллигини ҳам оширмоқда.

Айни пайтда профессор-ўқитувчи ва талабалар томонидан кўп сўраладиган, бироқ фондда кам бўлган илмий, илмий-оммабоп, маънавий-маърифий ва бадиий адабиётлар рўйхати шакллантирилиб, тегишли нашриётларга буюртма бериш, харид қилиб олинган янги китобларнинг электрон шакллари тайёрлаш жадал олиб борилмоқда. Бу борада “Ўзбекистон”, “Маънавият”, “Ғафур Ғулом”, “Ўқитувчи”, “Янги аср авлоди” сингари нашриёт-матбаа ижодий уйлари билан бошланган ҳамкорлик кутубхонани ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг сара асарлари билан бойитиб боришда янги-янги имкониятлар эшикларини очмоқда.

Ахборот-ресурс марказининг электрон кутубхонасида Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, дарслик, ўқув ва услубий қўлланма ва мажмуалар, бадиий асарлар ҳамда бошқа олий ўқув юртларидан олинган адабиётлар билан танишиш мумкин. Айни пайтда фонддаги барча ўқув адабиётларининг электрон шаклини яратиш устида иш олиб борилмоқда. Бу масъулиятли ишда ахборот коммуникация технологиялари бўйича етарлича маълумот ва тажрибага эга бўлган АРМ ходимлари фаоллик кўрсатмоқдалар. Эътироф этиш жоизки, обуначилар сони на фақат ўзимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу эса педагог ва талабаларимизнинг хорижий мамлакатлар олий ўқув юртлари ҳамда илмий марказлари билан ҳамкорлигини янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Буларнинг ҳаммаси талабаларимизнинг китоб мутолаасига бўлган меҳр-муҳаббатини оширишга, уларнинг етук инсон, юқори малакали мутахассис, элпарвару юртпарвар бўлиб етишишларига қаратилган. Кутубхона маънавиятнинг олтин хазинаси деб аталиши бежиз эмас. Чиндан ҳам бу маскан инсоннинг на фақат билим эгаллашида, балки юксак маънавиятли бўлиб улғайишида ҳам беқиёс аҳамиятга эга. Бунинг учун ва теран англаган Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс маркази жамоаси республикамик ва хорижий мамлакатлар кутубхоналари билан ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаб, энг илғор тажрибалар асосида ўқувчиларга намунали хизмат кўрсатишга астойдил бел боғлаганлар.

Нуриддин ОЧИЛОВ,
Тошкент молия институтининг адабий
маслаҳатчиси

Юртимиздаги тўй маросимлари ўзига хос урф-одатлар билан ажралиб туради. Биргина никоҳ тўйи билан боғлиқ “нон синдириш”дан тортиб “қуда чақирди”гача ўнлаб одатлар бор. Орзу-хавас деб хаспўшланаётган ва оқибатда йўл қўйилаётган ортиқча чиқимларга ҳатто ХХ аср бошларида ҳам турлича муносабатлар мавжуд бўлган. Бу борада қизгин баҳс-мунозаралар юзага келган.

Афсуски, мазкур масалада ҳамон жамиятимиз ўзини бошқара олмаётгани ҳамда сарф-харажатлар кундан-кун кўпайиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Ҳатто кўплаб ватандошларимиз фақат тўй ва у билан боғлиқ харажатларни кўтариш учун хорижий мамлакатларда оғир шароитда меҳнат қилаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Қонуний чеклов мумкинми?

Тўйлар масаласи муҳокамасида жамият деярли иккига бўлинган. Уларнинг бир қисми сарф-харажатларни чеклаш тарафдори бўлса, бошқалар эса бундай йўл тутиб бўлмаслигини исботлашга уриниб келади.

2018 йил 29 июнда Олий Мажлис Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлисида сенаторлар халқимизнинг миллий урф-одатлари, ҳудудларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилиши борасида ягона, қатъий нормалар белгиланиши мақсадга мувофиқ эмас, деган хулосага келишган.

Халқимиз орасида тўй-ҳашам ва бошқа оилавий тадбирларни ихчам ўтказишни йўлга қўйишга муайян меъёрий ҳужжат билан эмас, одамлар ўртасида кенг қўламли тарғибот-ташвиқот, шахсий ибрат, намунали тадбирлар мисолида эришиш ҳар жиҳатдан фойдали экани қайд этилади.

Дарҳақиқат, бу амалиёт ҳам аслида бегона эмас. Зотан, манбаларга кўра, жадидларнинг етакчиларидан бири, катта бойлик ва мансаб эгаси Маҳмудхўжа Бехбудий 1909 йил 15 апрелда

ПАРЛАМЕНТ ҚАРОРИНИНГ КУЧИ ЙЎҚ...МИ?

Мақсуд Хўжа исмли ўғлига хатна тўйи қилиб, 1000 рублдан ҳам кам пул сарфлаган экан. Манбаларда келишича, у тўйга кетадиган ортиқча сарф-харажат ўрнига Самарқанддаги кутубхонага Россия ва Туркиядан китоблар харид қилиб келтирган.

Жадидлар томонидан чоп этилган газеталарда йирик ер ва мулк эгаларининг камхарж тўй қилиб, эзгу ишларга катта маблағ сарфлагани ҳақида тарғибот материаллари бериб борилган. Бугун афсуски, бундай “жасорат” кўрсатётган зиёли ёки амалдорни учратиш кийин масалага айланди...

Бошқаларга зулм қилмаяпмизми?

Тўғри, никоҳ тўйи, яъни валийма, айрим уламоларга кўра, мустаҳаб ёки вожиб (қилиниши керак, қилинса мақбул) амал саналади. Бироқ муайян талаблар борки, бугун уни ёддан чиқариб қўймапмизми?

Хусусан, айтилишича, Абу Хурайра розияллоху анҳу “Таомнинг энг ёмони бойлар даъват қилиниб, камбағаллар чақирилмаган валийма таомидир”, дер экан.

Демак, валиймалар, умуман, исломда бировга таом бериш маросимларидан асосий мақсад ҳожатманд кишиларни таомлантириш, уларнинг

кўнглини кўтариш экан. Ўйлаб кўринг, никоҳ тўйида “энг ёмон таом” тортмадингизми? Валийма зиёфатига камбағал, бева-бечоралар кўпроқ даъват қилинса, эҳсон ўрнига тушган бўлармиди?

Аждодларимиз никоҳ тўйи қилиб, кўпчиликни чорлашдан кўзланган асосий мақсадлардан бири мусулмонлар жамоасининг янги оила ва келин-куёв ҳақида дуоларидан умидворликдир, дейишган. Биз-чи, бойлигимизни, нималарга қодирлигимизни кўз-кўз қилиш учун тўй қилмаяпмизми?

Айтилишича, тавозе банданинг Яратганни ва ўз нафсини яхши билишидан пайдо бўлади. Тавозели одам Аллоҳ учун қалбини синиқ тутати, ўзини паст олиб, одамларга раҳмли бўлади, бошқаларни ўзидан афзал билиб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларига риоя қилади.

Шариатни тан олмасак, қонунчи-чи?

Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси Кенгашлари 2020 йил 14 сентябрь куни тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги қарорни қабул қилган эди.

Қонун билан тенг юридик кучга эга бўлган мазкур ҳужжат 2021 йил 1 январдан кучга кирди. Унда оилавий тадбирлар белгиланган қатъий талаблар асосида ўтиши белгиланганди.

Хусусан, тартибга кўра, миллий анъаналарга ёт, одоб-ахлоқ қоидаларига зид бўлган турли шоуларни, ортиқча вақт ва харажат талаб қиладиган тўйлар, оилавий тантаналардан олдинги, тадбир давомидаги ва ундан кейинги қўшимча расм-русумларни (“келин навқари”, “чорлар”, “ота кўрди”, “сеп ёйди”, “қуда чақирди”, “куёв чақирди”, “келин чақирди”, “тоғора юбориш”, “пул сочиш” ва ҳоказоларни) ўтказишга йўл қўйилмайди.

Унда шу каби яна бир қатор талаблар белгиланганди. Афсуски, орадан кўп ўтмай, пандемия сабабли карантин эълон қилинди. Жони кўзига кўринган одамларимиз шундоқ ҳам бажонидил турли маросимларни қисқартиришга тушишди. Лекин вазият изига тушиши билан яна ўзлигимизни йўқотишни бошладик.

Аммо Парламент палаталарининг қайд қилинган қарори ҳамон ўз кучида. Ҳамма гап унга амал қилиш ёки қилмаслигимизда, тегишли идоралар томонидан ижроси назорат қилинишида қолмоқда.

Ёқубжон МАРҚАЕВ.

Хазонрезги: МУАММО БОР, ЕЧИМ-ЧИ?

(Давоми. Боши 1-саҳифада)

Шуни унутмаслик керакки, коронавирус пандемияси шароитида атмосферанинг турли моддалар билан ифлосланиши, ушбу касаллик билан касалланганлар, тузалиб чиққанлар учун эса ниҳоятда зарарлидир. Шундай экан, атмосферани муҳофаза қилиш талабларига қатъий риоя қилиш атроф-муҳит мусавффолигини таъминлаш ва инсон саломатлигини ҳимоялашда алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 88-моддасида “Дала ва аҳоли пунктларида анғиз, хазон ва шох-шаббаларни ёки ўсимликларнинг бошқа қолдиқларини ёқиб юбориш, атмосфера хавосини зарарли моддалар билан ифлослантиришга олиб келса, фуқароларга базавий ҳисоблаш микдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади”, дея алоҳида қайд этилган.

Шу билан бирга, ёнғин содир бўлиши оқибатларидан келиб чиқиб жиноий жавобгарлик ҳам мавжуд. Шундан

келиб чиқиб, фуқаролар, маҳалла фаоллари соғлом экологик вазиятни сақлаш ишларидан четда қолмаслиги лозим. Экологик қоидаларни бузган шахслар аниқланишида маҳалла фаолларининг роли жуда ҳам муҳим. Олиб борилаётган тадбирлар натижаси йилдан-йилга хазон ва шох-шаббалар ҳамда ўсимликларнинг бошқа қолдиқларини ёқиб юбориш ҳолатлари камайиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бироқ бу орада амалга оширилиши лозим бўлган қатор вазифалар ҳам мавжуд. Бу бир неча омилларга боғлиқдир.

Биринчидан, тегишли мутасадди идора ва ташкилотлар томонидан хазон ёқилишнинг ўз вақтида олдини олиш бўйича чора-тадбир амалга ошириш лозим. Дарахтлардан тўкилган хазонларни йиғиб мутасадди ташкилотлар кўмагида шаҳар ташқарисига тегишли жойларга ташлаш;

Иккинчидан, кесилган шох-шаббаларни қайта ишлаш натижасида турли хил қурилиш материаллари ва брикетлар тайёрлашни йўлга қўйиш;

Учинчидан, дарахтлардан тўкилган хазонларни алоҳида ажратилган ҳолда йиғиб олиш натижасида улардан ўғит-

лар тайёрлашни йўлга қўйиш;

Тўртинчидан, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда, экологик талабларга қатъий риоя қилиш ва туманинг географик жойлашувидан келиб чиққан ҳолда атроф-муҳит мусавффолигини таъминлаш ва инсон саломатлиги учун мақбул бўлган ўсимлик ва дарахт турларини экишга алоҳида эътибор қаратиш;

Бешинчидан, маҳаллаларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида экологик ҳашарлар ўтказилиб, аввало, экологик тозаликни таъминлаш, чиқиндиҳоналарни озода сақлаш, бунда айниқса, жамоатчилик назоратини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш;

Олтинчидан, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, оммавий аҳборот воситалари орқали улар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш экологик қоидабузарликларни олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалардан яна бири, бу соҳада қонунчиликни такомиллаштиришдир. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки,

Экология



ҳозир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар қабул қилиш, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Экологик кодексини ишлаб чиқиш борасида ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда.

Соҳада қонунчиликни янада такомиллаштириш экологик фаровонликни таъминлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳит муҳофазаси, келажак авлоднинг мусавффо муҳитда яшаш ҳуқуқини кафолатлашга хизмат қилади.

Моҳира ХОДЖАЕВА,
Олий Мажлис

Қонунчилик палатаси Экология
ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш
масалалари қўмитаси аъзоси

СУВ КЕЛТИРГАН – ЭЛДА АЗИЗ

Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллигига бағишланган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари 2026 йилгача Тараққиёт стратегияси доирасида амалга ошириладиган бешта энг муҳим вазифани алоҳида қайд этган эди. Жумладан, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Аслида, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш энг катта ҳаётий эҳтиёжлардан бири ҳисобланади. Самарқанд вилоятида ҳам аҳолининг ана шу эҳтиёжини қондириш мақсадида биринчи навбатда олис ва чекка ҳудудларда яшовчи фуқароларнинг ичимлик суви билан боғлиқ муаммоларини бартараф этиш мақсадида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Биргина 2022 йилда 307 миллиард сўм маблағ айнан ушбу йўналишга ажратилди. Ушбу маблағ ҳисобидан вилоят бўйича 687 километр ичимлик сув ва оқова тармоқларини қуриш, 80 та сув иншоотида қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Бу ишлар натижасида вилоят бўйича 58 мингга яқин аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланади, 135 минг аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланади ва аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 65,6 фоиздан 70,5 фоизга, оқова суви билан таъминланиш даражаси эса 15 фоиздан 18 фоизга етади.

Шунингдек, вилоят аҳолисидан келиб тушаётган мурожаатларни

ижобий ҳал этиш ва тизимда юзага келаётган носозликларни бартараф этиш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида 48,5 километр сув тармоғи тортилиб, 48 та ичимлик сув носослари янгисига алмаштирилди. Бунинг самарасида 5 минг нафардан



ортиқ аҳоли илк бор ичимлик сув билан таъминланиб, 3 минг нафардан ортиқ аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланди.

Нуробод тумани вилоятнинг энг чекка ва олис ҳудудларидан саналади. Жорий йилда туманда 11 миллиард сўмлик 5 та ичимлик суви иншооти қуриш, 52 километр ичимлик сув тармоғи тортиш режалаштирилган.

– Туманимиз аҳоли масканлари асосан дашт ҳудудда жойлашгани ва тарқоқлиги сабабли тоза ичимлик суви асосий муаммо ҳисобланади, – дейди “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ Нуробод тумани филиали раҳбари Аббор Аҳмедов. – Лекин

кейинги йилларда бу йўналишга эътибор ошди. Қишлоқларимиз тоза ичимлик суви билан таъминланиб, аҳолини йилларда давомида қийнаб келган масалалар ҳал этилмоқда. Биргина жорий йилда 15 мингдан ортиқ аҳоли илк бор тоза ичимлик суви билан таъминланмоқда. Бу билан туманимиз аҳолисининг тоза ичимлик суви билан таъминланиши қарийб 60 фоизга етади. Яқинда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан замонавий бурғулаш транспорти харид қилдик. Ҳозирда ушбу техника ёрдамида Омондара маҳалласида сув қудуғи қурилмоқда. Маҳаллада 3 километрлик сув тармоғи ҳам тортилади.

Туманда нафақат инвестиция дастурлари ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан, саховатпеша тадбиркорлар томонидан ҳам аҳолининг тоза ичимлик сув таъминоти яхшилашга қаратилган хайрли

ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, йил бошидан буён Анжирли, Бошқудук, Жом маҳаллаларида тадбиркорлар ҳисобидан 3 та янги сув иншооти қурилиб, 5,5 километрлик тармоқлар тортилди. Натижада ушбу маҳаллаларнинг минг нафардан зиёд аҳолиси илк бор тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлди. Бундай савобли ишлар айна пайтда Сарикўл маҳалласида ҳам давом эттирилмоқда.

– Шу пайтгача қишлоғимиздаги 70 та хўжалик – 400 нафардан ортиқ аҳолини ичимлик суви муаммоси қийнаб келарди, – дейди сарикўллик Ибодулло Муродов. – Мана энди бир неча йиллик муаммомизга ечим топилди, 3,4 километрлик ичимлик сув тармоғи тортилмоқда.

Тумanning Дўстлик маҳалласида яшовчи фуқаролар ҳам бир неча йиллик орзулари ушалганидан хурсанд. Аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан қилган мурожаатлари эътиборсиз қолмади. Давлат инвестиция дастури асосида 1 миллиард 240 миллион сўм маблағ йўналтирилиб мазкур қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик сув билан таъминланди.

– Бизнинг Иброҳим ота қишлоғимиз аҳли учун бу мўъжизадек туюлмоқда, – дейди меҳнат фахрийси Жумабой Кенжаев. – Бизда ҳам артезан қазилиб, хонадонларга ичимлик суви қувурлари тортилишини орзу қилардигу бу амалга ошадими-йўқми, деб ишонмасдик. 6-7 километр олисдан сув ташиб келардик. Жуда оғир эди-да. Шукр, энди у кунлар ортда қолди.

Жойларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ислохотларни халқимиз ҳаёт тарзи ва сифатини янада яхшилаш, юртимизда инсон қадрини учун тамойили асосида кечатган эзгу ишларнинг амалий ифодаси, дейиш мумкин.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА

ДЕПУТАТИМИЗНИ КЎРМАДИНГИЗМИ?

ёхуд олмазор туманилик отахонлар ҳасрати

(Давоми. Боши 1-саҳифада)

Шу кунгек мутахассислар келиб иш бошлашди. Сув тармоқлари мутахассислари ёзиб берган барча қувур, винтеллари, керакли қисмларини шу кўчада яшовчи фуқаролар ўз ҳисобидан сочма қилиб, олиб беришди. 3-4 кун ишлаб, аҳолини сув билан таъминлаб кетишди.

— Сувчилар ўз ишини бажаришибди, муаммо нимада? — деб сўрадим.

— Гапни бу ёғини эшитинг, — деди Илхом ота. — Сувчилар келишди. Тахминан қардан кавлаш кераклигини аниқлашди. Уларнинг қўлида маҳалла ер остидан ўтган электр кабель, газ, сув қувурлари, марказий сув магистралли қардан ўтганлиги тўғрисидаги харитаси йўқлиги бизни ажаблантирди. 2-3 соат мослама билан нималарнидир кидиришди, муҳокама қилишди. Ана шу мосламаси кўрсатган жойини қазиб туриб, юкори қувватли ер ости электр кабелни қўпориб, узиб ташлашди. Натижада 2-маҳалла аҳолиси электр энергиясидан маҳрум бўлди. Энергиясиз соат 17.00 дан 22.00 гача ўтирдик. Электр тармоқлари раҳбари ва ишчиларига раҳмат. Шу кун ишчилар қилган хатони бартараф қилиб кетишди. Савол туғилади. Агар сувчилар қўлида ирригация харитаси бўлганида эди, ибтидоий замондан қолган мосламадан фойдаланмасди, электр кабель узилмасди. Халқнинг тинчлиги бузилмасди. Ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғини раисларига маҳалла ҳудудининг каеридан электр, газ, сув қувурлари, телефон кабеллари ўтганлиги схема харитаси нусхасини қилиб бериш шунчалик қийинми? Харита бўлганида эса, электр ходимлари бошқа ҳудудга борган ёки шу вақтда дам олган бўларди. Кабелни улаш учун сарф қилинган турли харажатлар шу ташкилотда қоларми. Булар учун ким жавоб бериши керак?



Олмазор тумани ҳокимиятига бориб, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бўйича маълумотларни олиб, ўргандим. Қўлимдаги маълумотларга кўра, 2022 йилда Олмазор тумани ҳудудида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бўйича 33 минг 797 дона манзарали, мевали дарахт ва бута қўчатлари экилиши режалаштирилгани маълум бўлди. Лойиҳа бўйича 13 апрель ҳолатига кўра, мавсум бошидан режада ва режадан ташқари жами 382 минг 57 дона қўчат экиш ишлари таъминланган. Шундан 371 дона дуб, 426 дона ясень, 86 дона каштан, 365 дона катальпа, 50 дона сафора, 405 дона хилака тальпа, 35 дона лола дарахти, 50 та павлония, 171 дона багрянник, 73 та липа, 65 минг 754 та олма, 99 минг 559 та бошқа турдаги мевали дарахт, 30 минг 135 дона манзарали, 141 минг 960 дона терак қаламчалари, 42 минг 117 дона узум қўчатлари экиш ишлари таъминланган.

Юқорида кўрсатилган дарахтларнинг ҳар бирининг эрта баҳордаги “Чорсу” қўчат бозоридаги чакана нархи қуйидагича эди.

Лола дарахти 1 млн. сўм, багрянник 500.000, липа 200.000 сўм, акатальпа 150.000, каштан 100.000 сўм, катальпа 50.000 сўм, павлония 30.000 сўм, дуб, ясень, сафора 25.000 сўмдан, олма 25.000 сўм, олча 15.000 сўм, ёнғок 25.000 сўм, терак қаламчалари 4 мингдан 5 минг сўмгача.

Яна бир ҳужжатда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бўйича экилган манзарали ва мевали дарахт ва бута қўчатларини сақлаб туриш ва уларни мунтазам суғориш тизими йўлга қўйиш мақсадида 2022 йилда 44 та сув кудуклари барпо этиш режа-

миз, деб ваъда беришади. Нима деяётганлигини ўзи ҳам билмайди. Депутат бўлганидан сўнг, “сичконнинг ини минг танга” деганларидек, исиз йўқолиб қолишади. На қилган ишлари бўйича ҳисобот беришади. Ахтариб топсак, ойликни пеш қилиб, ваъда беришга ўтишади. На туман, шаҳар, Олий Мажлис депутатларини кўрмадик. Кўриш у ёқда турсин, улар кимлигини ҳам билмаймиз.

— Давлатимиз раҳбари олиб бораётган оқилонга сиёсатларидан бири бу маҳалларни обод қилинишидир. Сиз яшаётган маҳалларингизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари қандай кетаяпти, — деб сўрадим.

— “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бўйича маҳалламизда қилинаётган ишлардан хабаримиз йўқ, лекин эрта баҳорда Миллий гвардия томонидан дарахтлар экиб кетишди, — деди Зокир Собиржонов.



лаштирилган.

Қўлимдаги маълумот ва ҳужжатларга қараб бир неча саволлар пайдо бўлмоқда. Улардан бири ана шу ҳужжатдаги экилган дарахтлар сони тўғрими, 44 та сув кудукларидан нечаси ишга туширилди? Ҳофиз Кўҳакий номли ва “Кўштут” МФЙ кўчаларига ҳам артезиан кудуклар қовландими?

Абдуҳаким ота Зухуров гап бошлади.

— Ўртоқ мухбир келдингизми? Сизга бир саволим бор. Ҳар йили баҳор келиши билан Ўзбекистонда манзарали ва мевали дарахтлар ўтқазилди. Ёшим 70 да. Шу бугунгача экилган дарахтлар қўқариб чиққанида, юртимиз ўрмонзорга айланиши керак эди. Дарахт экамизу суғормамиз. Май-июнь ойларида ободонлаштиришда келиб, дарахтларга ахён-ахёнда сув қуйиб туришди. Сўнг, ёзининг чилласида сув қуймай қўйишди. Маҳалламиз фуқароси Жаҳонгир Юнусов уйи рўпарасидаги дарахтларга сув қуяётганда сув тармоқлариданми, ҳокимият вакиллари билмадик, келиб: “Нега сен ичимлик суви билан кўчадаги дарахтларни суғораяпсан, ҳатто бу учун жарима тўлайсан”, деб пўписа қилган. Бу воқеадан сўнг, маҳалладошлар дарахтларга сув қуймай қўйишди. Дарахт экканлар суғормаса, суғораман деган фуқароларни жарима тўлайсан деб кўрқитса. Натижада бу йилги экилган дарахтларнинг аксари куриб бўлди. Маҳалла фаоллари Камол Насриддинов, Баҳодир Ҳалилов билан Ҳофиз Кўҳакий маҳалла ҳудудида экилган дарахтларни қайта-қайта санаб, ҳисоблаб чиқдик. Қоғозда бошқаю амалда бошқа чиқди.

Биргина Ҳофиз Кўҳакий номли маҳалласида экилмаган дарахтларнинг ҳисобини олиб, вожаб дедик. Қолган 59 та маҳаллада ахвол қандай экан? Экилмаган дарахтларни эдик деб, ёлғон маълумот кимга ва нима учун керак бўлди. Сохта маълумот бериш, жиноят эмасми? Бу ҳақда тегишли ташкилотлар нима деркин?

— Биз ҳам гапирсак бўладими? — деди четда турган Зоҳид Юнусов. — Баҳор келди кўчамизда хоҳлаган маҳалла фуқароси, истаган ташкилот ерларни казишди, дарахтларни буталаймиз, деб қиркиб кетишади. Шох-шабба, барглари 15 кунлаб ётади. Бошқа маҳалларда қилинаётган ишларни кўриб, ҳавасимиз келади. Маҳалламизда на болалар майдончаси, на отахонлар чойхонаси, на спорт майдончалари бор. Бизнинг маҳалламиз ҳокимият учун ўғайми? Нима ободонлаштириш бўлимида ҳам кадрлар йўқми?

Хуллас, туманда кадрлар билан ишлайдиган инсон борми? Муаммолар кўп, ечим-чи!

Даврон АХМАД
Муаллиф олган суратлар

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир
Максуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-908
Адади: 2050.
Пайшанба кун чикади.
Қоғоз бичими А-3, хажми 2 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нархда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи:
Дилбар МАҲМУДОВА

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
(71) 233-72-77,
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00
1 2 3 4 5 6

Сохта филлар

Жахон тарихшунослигида қўлёзма манбалардан бирор воқеликка оид кичик маълумот парчасини узиб олиб талкин қилиш ҳолатлари тез-тез учрайди. Бу кўпинча ўша даврнинг жамиятда ҳукмронлик қилаётган сиёсати билан ҳам боғлиқ бўлади.

Сиёсат одатда тарих оламига дахл қилганда, баъзи ҳолларда пашшадан фил ясашига киришиб кетади ва у сохта филларни иложи борича ўзининг фойдасига хизмат қилишга мажбур этади. Шўролар давридан бунга ёрқин мисоллар истаганча топилади. Айни дамда бу борада жонбозлик кўрсатадиган мутахассис “тарихчи” ва ижодкор “адиб”лар ҳам роса кўпаяди. Бундай жараёнларда ёзилган талкинлар уюми ва тадқиқотлар орасида асл тарих охири-оқибат


У пайтларда Амир Темури ва темурийлар номлари тарихчилар томонидан қаттиқ қораланарди. Пашшалардан ясалган сохта филлар Турон тарихини истаганича пайхон қиларди. Бу кўшиқни сақлаб, халққа етказган Сафо Муғанний ҳам 1937 йили ўша пайтдаги ҳукумат раҳбарлари Файзулла Хўжаев (1896-1938) ва Акмал Икромовга (1898-1938) бағишлаб кўшиқ айтгани учун “халқ душмани” сифатида қамоққа олинадди.

Орадан йиллар ўтиб, кўшиқнинг тўлиқ матнини журналист Анбара Отамуродова 1985 йили “Музыка жавони” тележурнали учун “Бир кўшиқ тарихи” саҳифасини тайёрлаш жараёнида “Оразибон” ансамбли аъзоси бастакор Матниёз Юсуповдан (1925-1992) ёзиб олган. Сафо Муғанний куйлаган ўша кўшиқ матни:

бирида ҳам Севинчбек иштирок этган шундай ҳодиса содир бўлади. “Мужмали Фахрий” асарида бу воқеа тўғрисида куйдагича ахборот берилади:

“Жумад ал-охир ойининг 27 кун чоршанбада (1372 йил, 5 январь) Амир Темури шаҳарни қамал қилиб турган вақтида Хоразмда амир Хусайн Сўфи вафот этади ва ўрнига укаси Юсуф Сўфи тахтга ўтиради. Хоразм ҳукмдори Юсуф Сўфи амир Соҳибқирон билан Хонзодани амирзода Жаҳонгирга бериши ва Амир соҳибқирон Хоразмни қамал қилмаслиги тўғрисида битим тузилади. 1373 йили Соҳибқирон Амир Темури кўрагон иккинчи марта Хоразмга жўнади. Унинг қулоғига Юсуф Сўфи итоатдан бош тортиб, берган ваъдасидан чиққани тўғрисида хабар келди. Амир Соҳибқирон йўлга чиққанини эшитган Амир Юсуфнинг

оид юзлаб тадқиқотлар, тарихий-бадий асарлар, ҳикоялар, домстонлар, романлар ёзилди. Уларнинг ҳаммасида ҳам Хонзодабегимнинг ёрқин чехрасини кўравермай-сиз. Баъзиларида бутунлай ўзга қиёфадаги аёл маликага дуч келиб қоламиз. Шундай асарлардан бирига назар ташлашга уриниб кўрамиз. Уларорасидан Соҳибқирон Амир Темури ва оиласи ҳақида кўп ёзган, тадқиқотлар олиб борган таникли адабиётшунос Поён Равшановнинг “Амир Темури сулоласи” асарини танлаймиз. Муаллиф кўплаб манбалардан фойдалангани албатта, яхши ва ибратлидир. Аммо маълумотлар кўпроқ хиссиётларга йўғрилган. Бу асар саҳифаларида яққол сезилиб туради. Муаллиф Хонзодабегимни “салтанат қўйнида етилган аждархо”, “бутун салтанатга қарши” ҳаракат қилган персонаж сифатида талкин қилади. Асарда “келинлар Хонзодаси”, “Соҳибқироннинг энг суюкли, эрка келини” дея таърифланган малика “улкан хонадоннинг зўр бир тармоғи илдизига болта уриш”да айбланади. Муаллиф ушбу айбловни Хонзодабегим эри Мироншоҳ устидан арз қилгани билан асослашга уринади. Сўнгра фикрини давом эттириб, испан элчиси Клавихонинг саёҳатномасида Хонзодатомонидан катта тўй берилган, деган қайдни чуқур таҳлил этмай: “Хоразмдан қариндош-уруғларини ҳам Самарқандга кўчириб келган”, деган ҳулосани чиқаради. Аслида бу тўй Мирзо Улуғбекка Муҳаммад



ОЛТИ АСРДАН БУЁН ЯНГРАЁТГАН ОШИҚ НОЛАСИ

кўринмай қолади.

Хоразмда ҳукмронлик қилган сўфилар сулоласи (1360-1388) тарихи билан ҳам шундай ҳодиса содир бўлган. Тадқиқот жараёнида мазкур сулоланинг тарихига бағишланган бирорта манба учрамади ё бўлса ҳам балки бизгача етиб келмагандир. Ҳолбуки, Жўчи ва Чигатой улуслари давридаги Хоразм тарихида бу сулоланинг жиддий тадқиқотларга муносиб муҳим ўрнинбор.

Ғубор босган манзаралар

Ўзбекистон қадимий ва сон-саноксиз тарихий лавҳалар тўлиб-тошган шарафли қутлуғ ўлкадир. Уларнинг айримларида машҳур Олтин Ўрда ҳокони шавкатли Ўзбекхоннинг (1282-1341) невараси, Соҳибқирон Амир Темурининг суюкли келини Хонзода Севинчбек (1411 йили вафот этган) ҳаёти акс этади. Ушбу мақолада унга тааллуқли баъзи лавҳаларни кўришга ҳаракат қиламиз.

Хусайн Сўфи кўнғирот 1360 йиллари Олтин Ўрда тахт учун курашлар исканжасида заифлашиб қолган пайтда Хоразмда сиёсий мавқеини мустаҳкамлади ва сўфилар сулоласига асос солди. Чигатой улусидаги тарқоқликдан фойдаланиб, Хоразмнинг жануби-шарқий қисмини ҳам ўз мулкига қўшиб олди ва мустақил сиёсат юритишга киришди.

Хоразм кўшиғи

Кўхна Хива томонларда Хоразмдан Самарқандгача йўлда олтин тангалар сочки қилинган бир тўй ҳақида ҳозиргача ҳикоя қилинади. Хоразм кўшиғи ўша олис сўфилар сулоласи давридан келаётган экан. Хоразмлик машҳур кўшиқчи Сафо Оллоберганов (1882-1938) Сафо муғанний номи билан халқ орасида машҳур бўлган. Ўзбек рақс наънати тарихининг таникли намоёнаси Тамарахоним 1934-1935 йиллари Хоразмда ижод билан машғул бўлади. Худди шу пайтлар Сафо Муғанний Хоразм элида машҳур темурий Жаҳонгир мирзо номидан айтиладиган “бўлмас” радифили кўшиқ сўзларини Тамарахонимга ўргатади.

Лондонда 1935 йили бўлган халқаро фестивалда шу репертуар учун Уста Олим Комилов ва Тамарахоним тадбирнинг олий мукофоти – олтин медал билан тақдирланади. Тамарахоним шўролар сиёсати туфайли, кўшиқни “халқ сўзи” деб ижро этган.

*Ганжи Қорабоғдан галдим қошинга,
Санга жоним қурбон этмасам бўлмас.
Қўшармисан бошинг менинг бошимга?
Йўлингда жон фидо этмасам бўлмас.*

*Юзинг ўхшар ўн тўрт гежали ойга,
Оқ юзингга сочинг зулфлари соя.
Базм айлаб ўтирган Тилло саройга,
Очиб жавоб барсанг, гирмасам бўлмас.*

*Рўзи қилса гам шаърини балоси,
Уларга кирмаса, оҳим саодоси.
Ўлтурган парилар дардим давоси,
Саройдин салониб чиқмасам бўлмас.*

*Саройинг баландда қирқ зинапоя,
Юзингни ўхшатдим шамси ва оя.
Сарога тушма бўлиб сан зоя,
Насиб бўлса сани ёшласам бўлмас.*

*Узоқдан қарасам, манглайинг ёзиқ,
Кийганинг хулладир, беллари нозик.
Билакга ярашар тилло билосик,
Қўлларинг бўйнига солмасам бўлмас.*

*Ошиқ санга айтиб тонгни оттирдим,
Оқ сийнамини аёзларда қотирдим.
Ой юзингни кўриб ақлим шоширдим,
Тилагим бир бўса бармасанг бўлмас.*

Бир ошиқ нидоси... У қачон ва қандай дунёга келган? Ваҳки, ажодларимиз уни ҳар қандай бало-қазолардан асраш учун “халқ сўзи” қилиб, ўз бағрига яширган экан. Тарихий лавҳалар шу тариқа тозара бошлайди. Ҳаракатдан тўхтамасак, уни ғуборлардан холи, тоза ва тиник кўришга эришамиз.

Кўшиқ ортидаги воқеалар

Чингизий аслзодалар орасида кўнғирот кизларга уйланиш урф бўлган. Улар тоза насабли ҳисобланарди. Амир Темури ҳам шу анъанага риоя қилиб, ўғли Жаҳонгир мирзога (1356-1376) Оқ Сўфининг қизи Севинчбекни олиб беради. Эрининг ўлимидан сўнг бу маликани Амир Темурининг бошқа ўғли Мироншоҳ (1366-1408) никоҳига олади.

XIV асрда қариндошлик ришталари сиёсий урушларнинг олдини олиш, ярашув – сулҳнинг муҳим атрибутларидан бири эди. Амир Темурининг Хоразмга юришларидан

нотинчилиги ва ваҳимаси кучайиб, мурувват тилаб, кечирим сўради. Амир Соҳибқирон ярим йўлдан қайтди. 1373 йили Хонзода ҳазрати олийларини Хоразмдан олиб келиб, амирзода Муҳаммад Жаҳонгир ибн амир Темури кўрагонга эрга бердилар. Амир Соҳибқирон Кониғилда шу вақтгача ҳеч ким кўрмаган тўй қилишни буюрди.”

Бу воқеа тафсилоти Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида куйидагича баён қилинган: “Юсуф Сўфи қизни узатишга рози бўлади, аммо қизнинг ҳали сепи тайёр эмаслигини баҳона қилиб, вақтни чўзади. 1373 йил февраль ойида соҳибқирон иккинчи марта Хоразмга юришга отланади. Юсуф Сўфи сулҳни бузиб, қизни жўнатмай, Кат шаҳрини танлаганди. Вазиятни ўнглаш учун, Сўфи тезда элчилар жўнатади. Юриш бўлмайди. Олтин Ўрда бекларидан Нангудайнинг ўғли Оқ Сўфи Ўзбекхоннинг қизи Шакарбекка уйланди. Уларнинг қизи Севинчбек чирой ва насабда танҳо эди. Тўй тарадуду ҳам шунга яраша бўлган. Амир Темури Хоразмга келини олиб келишга чингизий беклардан Ёдгор барлос, Довудбек ва Ўлжатоёбекни жўнатади. Улар тақдим қилган совғалар орасида қимматбаҳо мато, олтин иплар билан тикилган парча, хитой ипаги, қул, отлар бор эди. Хоразмда бошланган тўй Самарқандда давом этди. Амир Темури Хонзодани кутиб олиш учун шаҳар дарвозасига барча уламо, шайх, чингизий маликаларни юборади. Шаҳар тўлиқ безатилади. Олтин тангалардан иборат сочқилар йўл бўйлаб махсус тикилган оқ уйгача сочилади. Тинимсиз сочқилардан Хонзода бўйи баравар тиллага кўмилди. Келин-куёв учун тикилган махсус оқ уйнинг (чодир, ўтов) ичи гавҳару дурлар билан безатилганди. Куй-музыка авжиди эди”.

Бир кўшиқ соҳибасини қидириб, биз ҳам шу базмга бориб қолдик. Бу айтилганлар ўша кўшиқ ортидаги воқеаларнинг муқаддимаси эди.

Бегона лавҳа

Кейинги чорак асрда мамлакатимизда Амир Темури ва темурийлар сулоласига

султон мирзонинг қизи Оғо Бегининг (Ўғи Беги) никоҳланишидан бир кун олдинги базм эди. Ахир, темурий малика Хонзодабегим шавкатли Муҳаммад султоннинг онаси эди. У суюкли набирасининг тўйини муносиб тарзда ўтказишга уриниши табиий ҳолдир. УХоразмдан барча қариндошларини Самарқандга кўчириб келганива тўйга ғаразли мақсад аралашгани ҳақида манбаларда бирор маълумот учрамайди.

Муаллиф Мирзо Улуғбекнинг ўғли Абдулазининг онаси Хусн Нигорхон Оғо, онасининг отаси Халил Султон ибн Мироншоҳ эканини ҳам алоҳида таъкидлайди. Бу сатрлар орқали хоразмлик сўфилар сулоласи маликаси Хонзода бегим тахтни ўз назоратига олишга интилганини кўрсатмоқчи бўлади.

Хуллас, бу ўқиганларимиз бегона лавҳага тегишли экани шубҳасиз... Хоразмлик малика Севинчбек деярли барча манбаларда Амир Темури хонадонидида асосий тахт даъвогарларидан бирининг хотини, онаси ё бувиси сифатида таърифланади. Аммо тадқиқотларда малика тарихий шахс сифатида ҳалигача тўлиқ ёритилмаган.

Йиғланмаган йиғи

Ҳофиз куйлайди: “Санга жоним қурбон этмасам бўлмас...” Хоразм эли ишқ ва соғинч уфуриб турган бу нолаларни Соҳибқирон Амир Темурининг энг яхши кўрган ўғли Жаҳонгир мирзо ва гўзал Хонзодабегим севгиси қиссасидан келаётган ишқ саси деб билади. Бу ошиқ ноласи олти асрдан буён янграмоқда. Хоразмда, Самарқандда... кўхна Туронда.

Бу кўшиқ ортида турган воқеаларнинг ҳаммасини битта кичик мақолада ифода-лаш асло имконсиздир. Бу ахир, бир ошиқ қалб тарихи! Аммо ҳозир мен дуч келган бу қиссанинг сўнгида яна бир сас пайдо бўлаёттир. У йиғи... йиғланмаган йиғи. Фақат, у кимники эканини билмайман.

Ҳилола НАЗИРОВА,
ЎЗРФА Абу Райҳон Беруний
номидаги Шарқшунослик
институтининг ходими